O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

№ 25-26 (533)
2007 йил 26 июнь сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

## MEZON:

***Матбуот аҳлининг меҳнатини, уларга худонинг ўзи берган истеъдодни юксак баҳолаб, мен журналистларга тақдир-қисмати доимо халқ билан боғланган, ҳаётнинг энг қайноқ, энг оғир, ҳал қилувчи жабҳаларида бўлиб, эл-юртнинг қувонч ва ташвишлари, умид ва интилишларини чуқур ҳис қиладиган ва ифода этадиган ноёб касб эгалари, фидойи инсонлар сифатида қараш тарафдориман.***

Ислом КАРИМОВ

**"Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241¹-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"** *ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2006 йил 22 ноябрда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, 2007 йил 29 мартда Сенат томонидан маъқулланди. 2007 йил 14 апрелда матбуотда эълон қилинган ҳамда шу кундан эътиборан кучга кирди.*

## Qonunning mohiyati

# Тадбиркор эркинлиги гарови

Мазкур Қонун Президентимизнинг "**Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида**"ги 2006 йил 24 майда қабул қилинган ПҚ-357-сонли қарори асосида ишлаб чиқилган.

Қарорда 2006 йил 1 сентябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби ўрнатилиши, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш бир вақтнинг ўзида уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда амалга оширилиши, энг муҳими, тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга давлат рўйхатига олинганлик тўғрисидаги гувоҳномани беришгача бўлган муддат кўпи билан икки иш кунини ташкил этиши қатъий белгиланди. Қарорда белгиланган талабларни бажариш мақсадида Қарорга илова "**Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисида**"ги Низом тасдиқланди.

Айнан қарорнинг 8-бандида тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш назарда тутилган бўлиб, мазкур Қонун ушбу талаб асосида ишлаб чиқилган.

Қонуннинг асосий мақсади — тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби асосий принципларини қонунчилик даражасида жорий этиш йўли билан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш учун қўшимча шароитлар яратилишини таъминлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига 2001 йил 7 декабрда киритилган ҳамда 2002 йил 20 январдан кучга кирган "**Қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш**" учун маъмурий жавобгарликни назарда тутувчи 241¹-моддаси айнан тадбиркорлик фаолиятига асоссиз равишда аралашганлик учун маъмурий жавобгарликни назарда тутади. Мазкур Қонун билан ушбу моддага, яъни 241¹-модданинг биринчи қисми диспозициясига хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, тадбиркорлик фаолияти субъектининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини чеклаш учун жавобгарликни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди.

Шунингдек, аввалги таҳрирдан фарқли равишда қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган статистика ҳисоботини ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олишни ёки назарда тутилган ҳисоботларни тақдим этишнинг белгиланган муддатларига хилоф равишда талаб қилганлик учун жавобгарлик белгиланиши тадбиркорларнинг ўз фаолиятларини амалга оширишларида уларга эркинлик бериш билан бирга улар фаолиятини ривожлантиришни таъминлайди. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини назорат қилиш ваколатига эга бўлган мансабдор шахслар тадбиркорлик фаолиятига асоссиз равишда аралашишларининг олдини олади, деб ҳисоблаймиз.

Маълумки, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахс ҳуқуқий субъект сифатида расман фаолият олиб бориш учун у дастлаб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши лозим бўлади. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби Фуқаролик кодексининг 44-моддасида белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, юридик шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Мазкур Қонун билан Фуқаролик кодексининг 44-моддаси иккинчи қисмига "**Давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби белгиланган юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади**" жумласи киритилди. Ушбу қоиданинг киритилиши бевосита юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни хабардор қилиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланганлиги билан изоҳланади.

**Нодир МУХТОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими**

## *27 июнь — Матбуот ва Оммавий ахборот воситалари ходимлари куни*




3-бет

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги олдидан юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида вилоятлар миқёсида қўшсаҳифа тайёрлашни режалаштирдик. Дастлаб Қорақалпоғистон Республикасидаги иқтисодий юксалиш, ислоҳотлар самараси, халқ турмуш тарзи ва истиқлол берган имкониятлар борасида сўз юритмоқчимиз.*

МУСТАҚИЛЛИК 16 ЙИЛ

4-5-бетлар



*Нукус шаҳрининг умумий кўриниши*

## Muharrir mavzusi

# Бир ярим гектар ер

## *ёхуд заминга малҳам бўлган ўзбекнинг қарашлари*

***XXI асрда Ер шарининг ҳориғани ҳақиқат. Таҳликалар, тўс-тўполонлар, терроризм, турли хил хунрезликлар, оммавий қирғин қуроллари атрофидаги жанжаллар, сиёсат майдонидаги номутаносибликлар, юз пардасини шилиб ташлаб довруқ солаётган гегемонизм, геосиёсий мақсадлар йўлидаги фириблар... бари-бари ер шарини чарчатди. Ўз фарзандлари озоридан юрак-бағри хун онаизорга ўхшайди Ер шари. Нима қилсин, ўз фарзандлари — одам болаларига инсоф тилайди, тавфиқ тилайди — бир-бирингни қирма, ўлдирма, уруш оловини ёқма, бағримни жизғанак қилма, менинг кўксимни куйдирма, деб ёлворади Ер шари.***

***Одам фарзанди эса бугун қуюшқонидан чиқиб кетаяпти. У даҳшат-фалокат қуролларини яратаяпти, бомбалар ихтиро қилаяпти, ўз оёғи, илдизи туташ заминни ҳалокат жари ёқасига олиб бориб қўйяпти.***

Ер шарида бугун икки хил тоифадаги одамлар яшаяпти. Бу тоифадаги одамларнинг бирининг қўлида қурол, бирининг қўлида гул, эзгулик уруғи. Шунинг учун Ер шари ҳам иккига бўлиниб кетаяпти. Қўлида гул тутиб, яхшилик уруғини кафтида сиқимлаб турганлар она замин бағрига малҳам қўймоқчи бўладилар, унинг дардига даво бўлмоққа уринадилар, урушлардан, хунрезлик ва разолатдан ҳилвираб, қонталаш бўлиб турган кўксига ҳаёт булоғини, шифо сувини томчилатиб қуядилар, қўлида ханжар-тиғ, қурол тутганлар эса унинг юрак-бағрини ўядилар, қонталаш ярасига туз сепадилар... Бундай сўқир қалблар ҳеч қачон она сайёрамизнинг ингроқли ноласини эшитмайдилар. Бу эса ўз бошига оғир фалокатлар ёғилишига ўзи сабабчи бўлиб турган инсониятнинг энг мудҳиш хатоларидан биридир.

Шу кичкинагина мавзумизда биз Она Замин қалбига ёруғлик олиб кираётган, унинг қаърига осойиш бахш этаётган, қўлида қурол эмас, гул тутиб турган халқ — ўзбекларнинг оддий ва камтарингина бир вакили хусусида сўзламоқчимиз.

Соли ака 60 ёшда. Умри ер ичида — далада ўтди. Қўли гул деҳқон. Оддийгина ўзбек. Йўқ, у киши сиёсатчи эмас, дунё тақдирини қўлимга оламан, деб пинҳоний режалар тузгувчи айрим урушқоқ арбоблар ҳақида ҳам бирор тасаввурга эга эмас. Бироқ Соли аканинг ўзбекларга хос фалсафаси бор: Ерни тепма, ерни тепкилама, тозаликка — сувга туфлама, ернинг қарғиши уради, сувнинг уволи бор.

Ана шу Соли акамиз, бу йил бир ярим гектар ерда ҳаёт ундирди — ерни яшнатди, гуллатди. Ёз оқшоми денг, катта ариқ четидаги улкан тол тагидаги чайлада ўтирибмиз. Борлиқда осойишталик. Осмондаги бодроқ юлдузлар дала сатҳига яқинлашиб келаётгандай. Чайла сукутини, тун оромига эш бўлган катта ариқдаги сувнинг жилдираши, чирилловуқ ва чигирткалар чириллаши, майин ёз шабадаси чайқалтирган даланинг ўзига хос сирли ишвалари бузаётгандай бўлади. Тун қучоғида гуркираган ҳаётнинг ифодаси бўлиб кўкка бўй чўзган яшиллик, зироатзор ҳали ой ёғдусига чўмилмай қорайиб кўринса-да, шу кафтдеккина замин тинчлик, осойишталик, хотиржамликнинг буюк рамзига айлангандай гўё. Чайла ёнидаги ирмоқчада қиқирлаб ўйноқлаган сув, ерлаган эпкин «қитиқлаган» райҳонларнинг бўйи ҳаёт нашидаси бўлиб кайфиятингизга ором беради.

**(Давоми иккинчи бетда)**

## «ИНСОН ва ҚОНУН» га *жавоб берадилар*



Газетада чоп этилган «Тақдири номаълум тақдимномалар» сарлавҳали фельетон юзасидан қуйидагиларни маълум қиламиз.

Шеробод тумани ҳокимининг 2006 йил 7 декабрдаги 1119-сонли қарорига нисбатан вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимномага асосан Шеробод туман ҳокимининг 2007 йил 2 майдаги 231-сонли қарори билан мазкур қарор бекор қилиниб, 43,7 гектар ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтарилди. Ушбу қайтарилган ер майдонини фермер хўжаликларига бериш учун танлов ўтказиш бўйича оммавий ахборот воситаларида эълон берилди.

Мазкур лойиҳа бўйича танлов қонуний ўтказилишини таъминлаш бўйича вилоят адлия бошқармаси томонидан назорат ўрнатилди ҳамда танлов натижалари «Фермер хўжаликларига ер участкалари бериш масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссияси»нинг йиғилишида қонунийлиги кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинади.

**Т.МАМАРАИМОВ,**
**Сурхондарё вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари**

## Adliya yordam berdi

# САНСАЛОРЛИК ВА ТЎРАЧИЛИК

## оқибати жавобгарликка олиб келди

***Тадбиркорлик қайси шаклда олиб борилишидан қатъи назар, у давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Фуқаролар тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун турли идораларга мурожаат этишлари табиий. Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонунда мурожаатларни кўриб чиқишнинг қатъий муддатлари белгиланган.***

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 43-моддасида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқишни ғайриҳуқуқий тарзда рад этганлик, мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузганлик, асоссиз, қонунга зид қарор қабул қилганлик, шунингдек, фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклашни, шикоят муносабати билан қабул қилинган қарорни реал бажаришни таъминламаганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Шундай бўлса-да, айрим мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларимизнинг мурожаатлари қонуний муддатларда кўриб чиқилмасдан, уларнинг ҳуқуқлари бузилишига йўл қўйилмоқда.

Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туман архитектура ва қурилиш бўлимига "Фарҳод" фермер хўжалиги раҳбари М.Собиров 2007 йил 9 январда "Хўжалик ишчиларига овқатланиш ва дам олиш учун 3 хонали иморат ва техникаларни сақлаш, навес қурилиши учун ер майдони ажратиб беришни" сўраб ариза билан мурожаат қилган. Бироқ Тўрткўл туман архитектура ва қурилиш бўлими иш юритувчиси Н.Бектурдиева томонидан ҳеч қандай сабабларсиз ушбу мурожаат кўриб чиқилмаган ва ариза муаллифига қонуний жавоб берилмаган.

Юқоридаги ҳолат юзасидан адлия органлари ходимлари томонидан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Тўрткўл туман судига юборилди. Мазкур суд қарори билан Н.Бектурдиева Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 43-моддаси билан айбдор деб топилиб, унга энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди.

Худди шундай, Қашқадарё вилояти Нишон тумани "Жанубгазтаъминот" унитар корхонаси томонидан фуқаролар С.Паттаев, И.Усмонов, М.Алиёрова ва Х.Сармоновларнинг хусусий новвойхона ва бошқа объектларда табиий газдан фойдаланишга рухсат беришни сўраб ёзган аризалари корхона бош муҳандиси А.Шерғозиев томонидан ҳеч қандай сабабларсиз кўриб чиқилмаган.

Юқоридаги ҳолат юзасидан адлия органлари ходимлари томонидан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, жиноят ишлари бўйича Нишон туман судига юборилди ва мазкур суд қарори билан 2007 йил 12 май куни А.Шерғозиев Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 43-моддаси билан айбдор деб топилиб, унга энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима жазоси белгиланди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш жараёнидаги қилган ҳар бир мурожаатида янги тадбирларни амалга ошириш, қўшимча иш ўринларини яратиш, ўз молиявий имкониятларини ошириш каби мақсадлар ётади. Бу эса охир оқибат мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва мувозанатлаштирилган ўсишини таъминлаш, энг муҳим тармоқларни янада таркибий жиҳатдан ўзгартириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, иш ҳақлари ва аҳоли турмуши сифатини муттасил оширишга йўналтирилган ҳаркатлардир.

Ушбу мақсад ва ҳаракатларнинг амалга оширилишига кўмаклашиш ва таъминлаш ҳар бир давлат идораси ходими фаолиятининг асосий мезони бўлиб ҳисобланмоғи лозим.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, адлия органлари тадбиркорларнинг мурожаатларини белгиланган муддатларда кўриб чиқилиши ва қонуний ҳал этилишини доимий назоратига олган ва бу соҳада аниқланган ҳуқуқбузарликларга нисбатан қатъий қонуний чоралар кўрилишини таъминлаб боради.

**Азиз ЭРГАШЕВ,**
**Адлия вазирлиги ходими**

# 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

*Журналист ким? Бундай қарасангиз, журналист мақола ёзади, кишиларга ахборот етказади, телекўрсатув тайёрлайди, эфирга эшиттириш узатади. Хуллас, шунчаки оддий касб эгасидай туюлади. Лекин бугунги давр синовлари, замон шиддати, ер шари ҳаётига таалуқли воқеалар силсиласи журналистика соҳаси нечоғли машаққатли эканлигини кўрсатади. Чунки, бугун дунёга ахборот манбаи ҳукмронлик қилишга уринаяпти. Бундай пайтда журналистнинг позицияси муҳим аҳамиятга эга.*

*Ўз-ўзидан кўринадики, журналист инсонпарварлик ғояларини, умумбашарий эътиқод тушунчасининг тарғиботчиси ҳам бўлиб қолмоқда.*

## Журналист ким?

Матбуот Ер шари ҳаётига таалуқли, замин осудалигига боғлиқ ёхуд аксинча инсоният ҳаётига таҳлика соладиган ахборотларни тарқата оладиган қурол ҳамдир. Бу ўринда, журналистнинг позицияси муҳим аҳамият касб этади.

Журналист воқелик жарчиси. Ер шарининг бирор-бир нуқтасида содир бўлаётган ҳодиса ўша лаҳзанинг ўзидаёқ бутун дунёга тарқалади. Демак, дунё ахборот тўри ичига тушиб қолмокда. Демак, дунёни ахборот бошқармоқда. Ана шундай пайтда журналистнинг ҳушёрлиги кўп нарсани ҳал қилади.

Журналист ўқдан тез учиши мумкин, журналист воқеалар шиддатидан илгари юриши мумкин, журналист барча соҳаларни имкони даражасида ўрганиши мумкин, лекин ўзга соҳа вакиллари журналистиканинг нозик қирраларини илғай олмасликлари мумкин. Шунинг учун ҳам ҳамма қўлига қалам олавермайди, ҳамма ҳам омма билан юзма-юз бўлиб, ТВ репортаж тайёрлай олмайди.

Журналистика шиддатни, маҳоратни талаб қилади.

Энг муҳими, журналистика журналистик бурчни тақозо этади. Журналистик бурч журналистнинг юзи, қиёфаси, қалби, виждонидир. Мана шу виждон журналистнинг том маънода мавқеини белгилайди. Ўзбек матбуоти ҳам бугун дунё билан бўйлашаяпти. Дунёда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бефарқ эмас. Ҳамкасбларимизнинг жаҳон сиёсати саҳнида ўз ўрни, мавқеи бор. Ўзбек журналистикасининг икки қаноти мавжуд. Бири тезкорлик, хабар, воқеликка муносабат бўлса, иккинчи қаноти эса, маърифат ёғдуси тарқатишдир. Шунинг учун ҳам бизнинг матбуотимизда андиша, иймон, ўзбекларга хос маданият ички бутунлик сезилиб туради. Воқеликка муносабатда биз масаланинг туб моҳиятига етиб хулоса қиламиз.

Эртага, 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами. Шу муносабат билан биз таҳририятимиз номидан барча ҳамкасбларимизни айём билан қутлаймиз.

Журналист ким деганда, фидойи, давр руҳи билан ҳамнафас, умуминсоний ғоялар билан қалбини нурлантирган ҳамкасбларимизни тушунамиз.

Байрамингиз муборак бўлсин!

## КАТТА МИНБАР



**Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири**

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни муносабати билан «Инсон ва қонун» газетаси ўқувчилари ва муаллифларини, барча касбдошларимни самимий муборакбод этаман.

Газета журналист учун жуда катта минбар ҳисобланади. Шу минбар имкониятларидан тўла ва унумли фойдаланиш ҳар биримизнинг ижодий маҳоратимиз, сўз масъулиятини ҳис этишимизга боғлиқ. Мамлакатимизда озод ва эркин ҳуқуқий давлат қуриш жараёни бораётган экан, инсон ва қонун муносабатлари, инсон манфаатлари, ҳар биримизнинг ҳуқуқ ва бурчларимизга доир мақолалар, шарҳлар катта аҳамиятга эга. Қонунлари адолатли ва инсонпарвар бўлган юрт, шубҳасиз, тараққиёт сари юз буради. Бу қонунлар одамлар онги ва қалбигача етиб борса, ҳар бир киши қонун олдидаги масъулиятини чуқур ҳис этса, жамият тараққиёти, миллий ўзликни англаш янада тезлашади. Ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширмай туриб, бунга эришиш мумкин эмас. Шундай экан, «Инсон ва қонун» газетаси ижодкорларига бу масъулиятли ишда муваффақиятлар тилаб қоламан.

## МАШАҚҚАТЛИ КАСБ



**Лазиз МАҲМУДОВ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Матбуот котиби**

*Бугунги кунда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларига бўлган эътибор янада ортиб бормоқда. Барчамизга маълумки, 1993 йилда* ***"Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида"****ги Қонун қабул қилиниб, унга кўра 27 июнь — Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни этиб белгиланди. Бу эса мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ матбуот ва оммавий ахборот воситаларига нисбатан алоҳида эътибор қаратилганлигидан далолатдир.*

*Бугунги кунда оммавий ахборот воситалари жамиятимизда том маънодаги тўртинчи ҳокимият сифатида шаклланиб бормоқда. Шу билан бир қаторда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришдаги асосий омиллардан бири ҳам оммавий ахборот воситалари ҳисобланади.*

*Журналистикада хушхулқлик ва вазминлик, вазиятни холис талқин этиб, хулоса чиқариш каби жиҳатлар муҳим аҳамият касб этади. Бу машаққатли касбда фидойилик қилаётган қалам аҳлига ғайрат-шижоат, куч-қувват тилаймиз.*

## ЙИЛНОМАДА ЯНА БИР КИТОБ

***Кенг дунёда турли байрамлар кўп. Ҳар бирининг ўз тарихи, анъаналари бор. Унинг сабаби ва таомиллари ҳам мўл. Менимча, улар орасида энг қадимийлари касб байрамлари бўлса керак. Ахир, аслида Наврўз ўзига хос баҳор байрамигина бўлиб қолмай, деҳқон ва боғбонларнинг касб байрами ҳам ҳисобланади. Авжи саратоннинг илк кунларида нишонланадиган журналистлар байрами нафақат ҳамкасбларимиз, балки, халқимизнинг ардоқли, қувончли байрамларидан бири. Бугун нафақат байрам, балки қаламкашларнинг йил давомида бажарган ишлари сарҳисоби куни.***

***Журналистларимиз дунёда тобора ўз ўрнини мустаҳкамлаб бораётган Ўзбекистон йилномасининг яна бир китобини битдилар. Унда истиқлолдан кейинги даврда юртимиз эришган ютуқлар, мўлжалдаги буюк ният-мақсадлар акс этган. Ушбу қутлуғ байрам куни билан барча сафдошларимизни чин юракдан муборакбод этамиз.***

**Алишер ИБОДИНОВ,**
**Фарғона вилоят прокуратураси «Адолат йўли» газетаси муҳаррири**



**Суратда: «Универсиада — 2007» шавқи. Фотомухбирлар — Ҳасан ПАЙДОЕВ, Бурхон РИЗО ва Икром ҲАСАНОВ**

## ДАРАХТ БИР ЖОЙДА КЎКАРАДИ

Юнус Зиёдов — 1957 йилдан буён «Ўзбекистон овози» газетасида ишлаяпти. Бу йиллар мобайнида унинг кўз ўнгида неча-неча авлод шаклланди, ижодий камолотга эришди.

— Мен дастлаб, «курьер» бўлиб ишга келганимда, Иброҳим Раҳим бош муҳаррир эди, — дейди Юнус ака. — Сўнгра Зиёд Есенбоев. Эҳ-ҳе... Ўшандан бери қанча сувлар оқиб ўтмади, кимлар билан ишламадик. Ўша кезлар газетада — Восиқ Маҳкамов масъул котиб эдилар. Раҳматли устозимнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари ҳалигача қулоғим остида... У кишининг ёрдамлари билан 1959 йилда «Бир йилда икки ҳосил» номли илк мақолам чоп этилган. Кечагидек эсимда. Ўша йили Ховосга хизмат сафарига борганимда, бугун катта шоира бўлиб етишган Ҳалима Худойбердиева билан учрашгандим. Ўшанда Ҳалимахон ёшгина қизча эди. Менга бир даста шеърларини тутқазиб, пойтахтга олиб кетишимни сўраганди...



*Суратда: Юнус ЗИЁДОВ (ўртада) шогирдлари даврасида*

Юнус Зиёдов матбуотимизнинг оғир-енгилини, газетачиликнинг пасту баландини ярим асрдан бери кузатиб келаётган, ҳаётини ўзининг севимли касбисиз тасаввур этолмайдиган журналист...

У киши Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода, Мақсуд Қориевлар мактабини кўрди, улардан ҳаётий сабоқ олди.

Таҳририятда ҳозир ҳам унинг ўз ўрни, айтар сўзи бор. Кекса-ю ёш унга суянади, кимдир ака, кимдир устоз, кимдир отахон, яна кимдир маслаҳатгўй билиб, Юнус аканинг хонасига бош суқишади. Ҳамма билан бирдек самимий суҳбатига қараб, одам ҳам шунчалик бағри кенг бўладими, дея ўйлаб қоласиз.

— Ҳаётимнинг қарийб эллик йили таҳририятда ўтибди. Бу ердаги қайноқ ижодий муҳит, дўстлар меҳри, шогирдлар ҳурмати мени доимо илҳомлантирган. Жонажон жамоамга бормаган куним ниманидир йўқотгандек ҳис қиламан. Шунинг учун кўп жойларга ишга таклиф этишса ҳам бормадим. У ерда ўз ўрнимни топа оламанми, деган ҳадик кўнглимдан кетмади. Ахир, ота-боболаримиз дарахт бир жойда кўкаради, дея бекорга айтишмаган-ку... Муҳими, ишлаш, ёзиш, сенга ишонганлар олдида масъулиятни унутмаслик...

Ҳа, устозларнинг гапларида жон бор. Уларнинг эътиқоди халққа яқин, эл дилида етилган тушунчалардир. Айтиш керакки, катта мактаб кўрганларгина шундай ишлай олади. Фақат улargina обрў-ҳурмат қозониб, ёшларга йўл кўрсата олади.

Юнус Зиёдовнинг меҳнатлари зое кетмади. 2005 йилда давлатимизнинг юксак мукофоти «Шуҳрат» медали билан тақдирлангани ҳам фикримизнинг тасдиғидир.

Байрам баҳонасида камтар, камсуқум Юнус акамизнинг умр йўлига бир қур назар солдик. У киши яна узоқ-узоқ йиллар сафимизни файзга тўлдириб юришини истаймиз.

**Алимурод ТОЖИЕВ ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

## Матбуотчиларнинг дўсти

Ҳар бир ижодкор ўз ижодига нисбатан ўзгалар эътиборини энг юксак мукофот деб билади. Чунончи, бу хоҳ икки оғиз илиқ сўз бўлсин, хоҳ оғир ботмайдиган ўринли танқид — самимий бўлса, бас. Ўша ижодкор бундан илҳом олади, ўша тобдаёқ изланишга, нимадир янгилик қилишга киришиб кетади. Шу маънода, Муртазо ака Султоновни ижодкорларнинг чинакам дўсти, десак асло муболаға бўлмас. Зотан, замон билан ҳамиша ҳамнафас Муртазо ака даврий нашрларни мунтазам кузатиб бориши баробарида сара мақолалар муаллифларини қаердан бўлмасин излаб топиб, чин дилдан қутлашни ҳам канда қилмайди.

Муртазо Султоновнинг асли касби қурувчи-муҳандис, у илк меҳнат фаолиятини Хоразм вилоятида бошлаган. Ўз касбининг асл фидойиси бўлган Муртазо ака қурилиш соҳасидаги турли лавозимларда сидқидилдан меҳнат қилди. Бунинг самараси ўлароқ, ҳамкасблари орасида ҳурмат-эътибор қозонди, иқтисод фанлари номзоди бўлди. У ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолияти мобайнида мамлакатимиз ижтимоий-маиший ҳаётида муҳим ўрин тутувчи кўплаб иншоотлар, бинолар барпо этилишига муносиб улуш қўшди. Аниқроқ айтганда, Муртазо ака иштирокида барпо этилган муаззам бинолар юртимиз кўркига кўрк бахш этди. Бу самарали меҳнатларининг эътирофи сифатида М.Султонов аввалига Қорақалпоғистонда, кейинчалик «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи», деган шарафли унвонга лойиқ топилди.



Шуни ҳам айтиш керакки, М.Султонов мамлакатимизнинг кўплаб нашрларида ўз мақолалари билан мунтазам иштирок этибгина қолмай, юқорида таъкидлаганимиздек, эътиборга молик ҳар бир мақола муаллифига алоҳида миннатдорчилик изҳор қилишни канда қилмайди. У изланувчанлиги, тиниб-тинчимаслиги билан бошқаларга доимо ўрнак бўлиб, меҳнат фаолиятини оддий қурувчиликдан бошлагани ҳолда Халқ таълими вазири ўринбосари лавозимида ҳам фидокорона меҳнат қилди. Бутун умр астойдил меҳнат қилган Муртазо ака яқинда табаррук 70 ёшни қаршилади. Ҳали-ҳамон кексаликка бўйин эгмаган бу меҳнатсевар инсон ҳозирда «Интермобилгаз» Компанияси Директорлар кенгашининг раиси лавозимида меҳнат қилмоқда.

— Фарзандларим «энди кексалик гаштини суринг, ҳеч қаерда ишламасангиз яхши бўларди», деб гоҳо танбеҳ берган бўлишади, — дейди Муртазо ака. — Меҳнат билан ҳаёт яна ҳам гаштли туюлишини уларга уқтиришга ҳаракат қиламан. Шу юрт, шу халқ учун меҳнат қилган кам бўлмайди.

Пиру бадавлат отахон — Муртазо ака Султонов билан суҳбатимиз узоқ давом этди. У кишининг кўплаб фалсафий мушоҳадаларидан баҳраманд бўлиб, хайрлашар чоғимиз қўлимизга дид билан безалган табрикнома тутқазди. Табрикномада барча ҳамкасбларни қутлаб, илиқ сўзлар ёзилганди.

Барча журналистларнинг дўсти, одамохун, кўнгли шижоат билан оқаётган шиддатли дарёларга монанд инсон ҳақида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрами арафасида илиқ сўз айтишни биз ҳам ўринли, деб билдик. Матбуот аҳли билан бўлган дўстлик, Сиз қурган дил кўпригига кўз тегмасин, Муртазо ака!

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

## ВАЗИФАЛАР КЎЛАМИ КЕНГ



**Бозорбой БОБОЖОНОВ, «Муҳофаза» газетаси муҳаррири, Хоразм вилояти**

Таҳририят ходимларига ҳар йили матбуот ва оммавий ахборот воситалари куни, яъни, касб байрами арафасида ўз ижодлари ва меҳнатларини таҳлил қилиш ҳамда ўз фаолиятларига танқидий назардан қараб қўйиш анъанага айланган. Бу эса галдаги вазифаларга жиддийроқ ёндашишга туртки бўлади, албатта. Олдда турган ишлар ва вазифалар кўлами ниҳоятда кўп ва серқиррадир. Зотан, Юртбошимиз таъкидлагандаридек, **дунё ахборот оламида глобаллашув жараёнлари кучайиб бораётган ҳозирги шароитда миллий матбуотимиз янада фаол бўлиши, халқимизни турли ғоявий таҳдидлардан, миллий тафаккур тарзимизга ёт ақидалардан ҳимоя қилиши, жамиятимиз миллий истиқлол мафкурасининг шаклланишида алоҳида ўрин тутиши, маънавий ҳаётимизнинг ва муқаддас қадриятларимизнинг мустаҳкам ҳимоячисига айланиши лозим...**

Ушбу хуш айём арафасида жамоамиз номидан барча ҳамкасбларга тилагимиз — ҳаётга теран нигоҳ ташлаш, ҳозиржавоблик, ҳушёрлик, холислик, ҳаққонийлик хислатлари ҳар бир қаламкашнинг ҳамроҳи бўлсин!

**Istehzo**

## Суянч

### Шартнома бажарилиши шарт

***Андижон вилоят адлия бошқармаси Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими томонидан вилоятда фаолият кўрсатаётган қишлоқ хўжалик махсулотларини етиштирувчи хўжаликлар, хизмат кўрсатувчи ва тайёрлов корхоналари ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларда шартномавий-ҳуқуқий муносабатларда қонунийлик таъминланишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.***



Бўлим ходимлари томонидан вилоятнинг 24 та хўжалик юритувчи субъектларида шартномавий-ҳуқуқий муносабатларнинг қонунийлиги ўрганилиб, ушбу хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузилган 84.687 та 724.510.815.694 сўмлик шартномалар қонунийлиги кўриб чиқилди. Ўрганиш жараёнида хўжалик юритувчи субектлар томонидан тузилган 2.383 та 14.587.161.568 сўмлик шартномалар тузилишида, 512 та 1.052..986.231 сўмлик шартномалар ижро қилинишида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Аниқланган мазкур ҳолатлар юзасидан судларга 512 та 1.052986.231 сўмлик даъво аризалари ва қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш юзасидан 35 та тақдимнома киритилди, ушбу тақдимномаларда бевосита фермер хўжаликлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг манфаатлари кўзланди. Ўтказилган тадбирлар натижасида масъул мансабдор шахслар шартнома шартлари бажарилишига бевосита айбдор бўлганликлари аниқланиб, ушбу ҳолатлар юзасидан 2 нафар мансабдор шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан тегишли чоралар белгиланди. Жумладан, 22.02.2007 йил куни тузилган баённомага асосан Марҳамат тумани "Қишлоқхўжаликкимё" бўлими бош ҳисобчиси А.Хасановга нисбатан Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175-модда 3-қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этганлиги туфайли 124.200 сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилди. Шунингдек, бир нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилди. Адлия бошқармаси томонидан ўрганилган хўжалик юритувчи субъектларда шартномаларни тузиш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 35 та тақдимномалар киритилиб, 258.000.000 сўм маблағ тадбиркорларга ундириб берилган. Қонунбузилиш ҳолатлари содир этилишига сабабчи бўлган 10 нафар шахсга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди. Шундан 1 нафар мансабдор шахс эгаллаб турган вазифасидан озод қилинди. Жумладан, 26.02.2007 йил куни адлия бошқармасининг "Андижонёғмой" ОАЖ га киритилган тақдимномасига асосан Қўрғонтепа тумани 3-сонли шохобча омбор мудири Р.Мўйдинов ўз вазифасига совуққонлик билан қараб, меҳнат ва ижро интизомини қўпол равишда бузганлиги учун иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Худди шунингдек, Шаҳрихон туман "Шаҳрихонсут" акциядорлик жамияти шартнома мажбуриятлари бажарилмаётганлиги юзасидан Избоскан туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги қайта ташкил этиш комиссияси манфаатини кўзлаб 1.199.610 сўм асосий қарз, 179.941 сўм пеня жами 1.379.551 сўм ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига бошқармамиз томонидан даъво аризаси киритилди.



**Шухрат МУСАЕВ, "Инсон ва қонун" мухбири**

Адлия бошқармасининг аралашуви билан ширкат хўжалиги қайта ташкил этиш комиссиясининг ҳуқуқий манфаати тикланиб, жавобгардан хўжалик фойдасига 1.199.610 сўм асосий қарз ва 23.992 сўм пеня, жами 1.223.602 сўм ундириб берилди. "Ўзагромашсервис" акциядорлик уюшмаси тизимидаги Андижон вилоят Машина трактор парклари акциядорлик бирлашмаси таркибидаги 3 та Машина трактор парки акциядорлик жамиятининг фаолияти ҳар томонлама ўрганиб чиқилди. Жамият томонидан тузилган жаъми 6.284 та шартномаларнинг қонунга мувофиқлиги текширилди ва 306 та шартнома амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилди. Жумладан, Шаҳрихон тумани "МТП" ДАЖда шартнома мажбуриятлари бажарилмаётганлиги юзасидан Шаҳрихон туманидаги "А.Саримсоқов" ширкат хўжалиги қайта ташкил этиш комиссияси манфаатини кўзлаб 13.326.000 сўм асосий қарз, 1.465.860 сўм пеня, жами 14.791.860 сўм ундириш тўғрисида вилоят Хўжалик судига даъво ариза киритилди.

Адлия бошқармасининг аралашуви билан комиссиянинг ҳуқуқий манфаати тикланиб, жавобгардан фермер хўжалиги фойдасига 13.326.000 сўм асосий қарз ва 366.465 сўм пеня ундириб берилди. "Қишлоқхўжаликкимё" Акциядорлик Компаниясининг Андижон вилоят Акциядорлик бирлашмаси таркибига кирувчи 3 та "Қишлоқхўжаликкимё" туман бўлимларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар билан "минерал ўғитлар етказиб бериш тўғрисида"ги шартномаларнинг қонунийлиги ўрганиб борилмоқда. "Қишлоқхўжаликкимё" Акциядорлик бирлашмасининг туман бўлимлари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликлар билан тузилган 19.996 та 47.,780.000.000 сўмлик шартномалар ўрганиб чиқилди. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаслиги юзасидан 11 та 14.717.986 сўмлик даъво аризалари киритилди. Ушбу даъво аризаларида ширкат хўжалиги қайта ташкил этиш комиссиялари ва фермер хўжаликларининг ҳуқуқий манфаатлари кўзланди.

Бу ҳаётий мисоллар шундан далолат берадики, амалдаги қонунлар ва шартнома мажбуриятларига доимо амал қилингандагина ишда самара бўлади, вақт бекорга кетмайди, маблағ тежалиб, бундан жамият фойда кўради.

***P.S.*** **Андижон вилояти Адлия бошқармаси ходими, Қудратбек АБДУРАҲМОНОВ билан ҳамкорликда тайёрланди.**


## ЭЪЛОН!

**1. Тошкент шаҳар адлия бошқармаси хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимига;**

**2. Бухоро вилоят адлия бошқармаси Олот туман давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига**

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!**

*Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.*

**Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

*Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.*

**Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида тегишли вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.**

**Тошкент шаҳар адлия бошқармаси телефонлари: (8-371) 169-14-45, 162-70-41.**
**Бухоро вилоят адлия бошқармаси телефонлари: 8(365)223-21-20, 223-53-65.**

## ЭЪЛОН!

***Тошкент шаҳар адлия бошқармаси Мўминова Шоҳида Ҳамитовнага 1997 йил 2 октябрда берилган TS 000056 серияли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиш муддати тўхтатилганлигини*** **МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***Демократик давлатнинг бош тамойили инсонпарварликдир. Адолат мезонига айланган қонунлар инсонни олий қадрият сифатида эътироф этади. Бугунги кунда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар айнан шу мақсадни кўзлайди. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони эълон қилиниши бунинг ёрқин далилидир.***

# Яшаш ҳуқуқи – улуғ неъмат



Фармонда таъкидланганидек, ўлим жазосининг бекор қилиниши аҳоли орасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришни, биринчи навбатда, мамлакатимизда давом эттирилаётган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги изчил ҳаракатларни асослаб беришни, шунингдек, «жиноий жазони янада либераллаштириш, шу жумладан, ўлим жазосини бекор қилиш заруратининг англаб етилишини кишилар онгида мустаҳкамлашни тақозо этади».

Дарҳақиқат, маҳалла, ташкилот ва корхоналар, ўқув муассасаларида ўтказилган мулоқот ва учрашувларда баъзан: «Одам ўлдирган кишининг яшашга ҳаққи йўқ. У ўлим жазосига маҳкум этилиши шарт» ёки «Ўлим жазосининг олиб ташланиши жиноятчиликнинг кўпайишига олиб олиб келмайдими?», деган бирёқлама мулоҳазалар ҳам айтилади. Аслида ҳар қандай жиноятчига жазо муқаррар. Қонун устувор жамиятда ҳеч бир жиноятчи жазодан қутулиб қололмайди. Бир қарашда ўлим жазосининг бекор қилиниши билан мудҳиш жиноят содир этган кимса оғир жазодан қутулиб қолаётгандай туюлиши мумкин. Ваҳоланки, ўлим жазосининг умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш билан алмаштирилиши жиноятчини ўзи содир этган ғайриқонуний хатти-ҳаракатларни таҳлил қилишига, йўл қўйган хатосини тушуниб, виждон азобини бошдан кечиришга мажбур этади. Қолаверса, жиноятчи ҳам инсон. Уни яшаш ҳуқуқидан буткул маҳрум этиш Яратганнинг изми, иродаси билан содир бўлиши лозим. Унинг умрбодлик ёки узоқ муддатли қамоқни ўташга маҳкум этилгани ўзи етарли жазодир. Энг муҳими эса, бундай жазо замирида умуминсоний қадриятларга ҳурмат, инсонпарварлик тамойилига садоқат мужассам.

Ўлим жазосини бекор қилишнинг ҳам қонуний, ҳам инсоний жиҳатдан афзаллиги айни вақтда жамоатчиликка кенг тушунтирилмоқда ва бу борада нафақат ушбу соҳа мутахассислари, ҳуқуқшунослар, балки омма фикри ҳам инобатга олинмоқда. Ҳозирги кунга келиб ўлим жазоси жаҳондаги 76 та давлатда бекор қилинган. Жумладан, 1995 йил Молдовада, 1997 йил Грузияда. Дунёнинг айрим давлатларида бу жазо расман бекор қилинмаган бўлса-да, анчадан буён қўлланилмайди. Масалан, Россияда ўлим жазосига 1996 йили мораторий эълон қилинган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 1994 йилдаги таҳририда 13 та жазо учун ўлим жазоси қолдирилган эди. 2003 йил 12 декабрда эса, бу миқдор 2 тагача қисқартирилди, яъни терроризм ва қасддан одам ўлдиришга нисбатан ўлим жазоси қолдирилди. Айни пайтда ўлим жазоси энг кўп қўлланадиган мамлакатлар АҚШ, Эрон, Саудия Арабистони, Хитойдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августидаги «Ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Фармонига кўра, мамлакатимизда ўлим жазоси 2008 йил 1 январдан эътиборан жиноий жазо тури сифатида бекор қилиниб, умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади. Умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, Тошкент шаҳар ва вилоятлар судлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди томонидан тайинланиши мумкин.

Дарҳақиқат, яшаш ҳуқуқи инсонга табиат томонидан инъом этилган энг улуғ неъмат. Жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, умуминсоний қадриятларга изчил амал қилиб келаётган мустақил мамлакатимизда энг илғор ҳуқуқий меъёрлар амалда экани барчамизни мамнун этади.

**Мавлуда АШИРБОЕВА,**
**ТДЮИ талабаси**

---

*Iqtisodiyot va islohot*

# «ИПОТЕКАБАНК» мижозлар талаби доимий эътиборда

**«Ипотекабанк» «Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун» шиори остида мижозларга кенг доирадаги банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Бу хизматлар миллий ва хорижий валюталарда депозитларни жалб этиш, истеъмол кредитлари бериш, миллий валютадаги пластик карточкаларни муомалага киритиш ва улар бўйича хизмат кўрсатиш, коммунал ва бошқа турдаги тўловларни қабул қилиш, хорижий валютадаги пул жўнатмалари, валюта айирбошлаш амалиётларини бажариш ва бошқа вазифаларни ўз ичига олади. Айни пайтда, «Ипотекабанк» жисмоний шахсларга етмишдан зиёд турдаги хизматларни ҳам тақдим этмоқда.**



IPOTEKA BANK

Банкнинг жойлардаги филиаллари узлуксиз фаолият юритиб, бугунги кунда мижозлар сонини анча кенгайтирди. Натижада мижозлар умумий сони жорий йилнинг биринчи чорагида 57 мингдан ортди. Уларнинг асосий қисми чакана мижозлар. Биринчи чорак якунига биноан, чакана мижозлар сони 649 мингдан ортиб кетди. Бу эса, банк ўзининг стратегик вазифаларидан бири — чакана хизматларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганини кўрсатади.

Мижозлар талабларини қондириш, қўшимча қулайлик яратиш мақсадида банк доирасида мини банклар тармоғини юзага келтириш ҳамда такомиллаштириш тадбири давом эттирилмоқда. Ҳозирги кунда 150 та мини банк билан бирга, 600 дан ортиқ жамғарма ва ихтисослашган касса фаолият юритаётир.

Мини банклар банкнинг изчил фаолиятини таъминлаб, унинг рақобатбардошлигини мустаҳкамлашга кўмаклашаётир. Бу эса, ўз навбатида Ўзбекистоннинг турли минтақаларида, айниқса, саноат марказларидан олис жойларда амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари суръатига самарали таъсир кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, банкнинг ресурс базаси мавжудлиги, истиқболли даромад манбалари чуқур ўрганилаётгани ҳамда мижозларнинг қатъий талабларига жавоб берадиган кенг доирадаги банк маҳсулотлари таклиф этилаётгани унга молия-кредит хизматлари бозорида пешқадамликни сақлашга, республикамизнинг бутун иқтисодий сектори тараққиётига кўмаклашишга имконият яратмоқда.

Кредит хатарларини минимал даражада сақлаган ҳолда кредит портфелини кенгайтириш ҳам банкнинг айни пайтдаги асосий вазифаларидан. 2007 йил 1 апрель ҳолатига кўра, кредит портфели ҳажми 180,1 миллиард сўмни ташкил этди. Бу банк активларининг 36,5 фоизига тенгдир.

Ҳукумат томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли ҳозирги вақтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун яратилган муҳит яхшиланди. Буни мамлакатимиз тадбиркорлари ҳам, чет эллик экспертлар ҳам эътироф этишмоқда. Шуни ҳисобга олиб, ҳозирда банк кичик ва хусусий корхоналарни кредитлаш ҳамда тадбиркорлик ташаббусларини ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Зеро, банк мижозлари — хўжалик юритувчи субъектларнинг аксарияти кичик ва хусусий корхоналар бўлиб, улар банк кредит портфелидан фойдаланишда устувор мавқега эгадирлар. Дарҳақиқат, 2007 йил 1 апрель ҳолатига кўра, «Ипотекабанк» тизимида 47 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Банк жами кредит қўйилмаларининг 27,8 фоизи кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг иш фаолиятини бошлашига ва уларни молиявий қўллаб-қувватлашга сарфланган. Аниқроғи, кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун жами 50 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Банкнинг кичик бизнес субъектлари, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун йўналтирган маблағлари ҳисобига эса, жорий йилнинг биринчи чораги давомида қарийб 1400дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

«Ипотекабанк» томонидан йўналтирилаётган микрокредитларга, айниқса, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳаларида шуғулланаётган тадбиркорларнинг талаблари катта. 2006 йил давомида банк барча молиялаш манбалари ҳисобидан жами 878,7 миллион сўмлик микрокредитлар ажратган эди. Пировардида бу хизмат тури қишлоқ жойларда, фермер ва деҳқон хўжаликлари орасида ҳам оммалашди. 2007 йили банк мижозлари — давлат эҳтиёжлари учун ғалла ва пахта хомашёси етиштирувчи қишлоқ хўжалиги корхоналарининг сони 3 мингдан ортиқни ташкил этди. Уларга ажратилган кредитлар миқдори эса жами 3,9 миллиард сўмга етди.

Банк аҳолининг бўш пул маблағларини фаол жалб этиш орқали иқтисодиёт субъектларини кредитлаш учун ўз ресурс базасини кенгайтирмоқда. Бу тадбир пул маблағларининг банкдан ташқарида айланишини қисқартиришга кўмаклашмоқда. Мисол учун, бугунги кунда аҳолига миллий валютада ўндан ортиқ турдаги, хорижий валютада етти турдаги депозитлар таклиф қилинаяпти. Бу мижозларга бўш пул маблағларини сақлашда ўзлари учун энг маъқул шартлар бўйича даромад ҳажми таклиф қилинадиган омонатни танлаш имконияти яратилганидан далолатдир. Жумладан, банк аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш мақсадида турли хилдаги юқори фоизли омонатларни таклиф қилмоқда. 2007 йилнинг биринчи чорагида «Ипотекабанк» филиаллари томонидан жалб этилган аҳоли маблағлари ҳажми 50,9 миллиард сўмга етди.

Нақд пул маблағларини банкка жалб қилиш, нақд пул тушумини кўпайтириш, аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида «Ипотекабанк»да экспресс тўлов карталарини жамғарма (коммунал) кассалари орқали сотиш йўлга қўйилди. Банк филиалларида ҳозирда «COSCOM», «Билайн», «МТС» уяли алоқа компаниялари ҳамда «Ўзбектелеком» тизимидаги корхоналар билан шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув, интернетга уланиш бўйича экспресс тўлов карталари жамғарма кассалар орқали аҳолига етказилмоқда. Шу тариқа, «Ипотекабанк» чакана хизматлар бозоридаги пешқадамлик мавқеини тобора мустаҳкамлаб, омонатчиларга юқори маданият билан банк хизматлари кўрсатилишини кафолатламоқда.

Аслида банкнинг молиявий сиёсати аҳолини мақбул даражада банк хизматларига яқинлаштириш мақсадларини кўзда тутади. Шу боис, ихтисослашган кассалар ва мини банклар тармоғи кенгайтирилмоқда. Уларда корпоратив мижозларга ҳисоб-китоб-касса хизматини кўрсатиш, омонатлар очиш ва уларни бериш, коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш хизматлари тақдим этилаяпти. Жорий йилнинг биринчи чорагида бу кассаларда аҳолидан турли хил тўловлар учун 66,8 миллиард сўм нақд пул маблағлари қабул қилинди.

Айни пайтда банк жисмоний шахсларга узоқ муддат фойдаланадиган товарлар сотиб олиш ва хизматлар учун микрокредитлар бериш шартларини қайта кўриб чиқиб, уларга энг маъқул шартларда кредит олиш имкониятини яратди. Бу ўринда гап маҳаллий уй-рўзғор техникасини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан яқин алоқа ўрнатилгани хусусида бораётир. Пировардида жорий йилнинг биринчи чорагида банк томонидан узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар сотиб олиш ва хизматлар учун жами 381,7 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, ўтган давр мобайнида республикамиз минтақаларида фаолият кўрсатаётган банк филиаллари ва мини банклар орқали уй-жойларни сотиб олиш ва уларни таъмирлаш мақсадида шартнома асосида жисмоний шахсларга банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан қарийб 3,7 миллиард сўм миқдорида ипотека кредитлари ҳам берилди.

«Ипотекабанк», шунингдек, «Western Union» ҳамда «Contact» тизими орқали аҳолига дунёнинг барча давлатларига пул ўтказиш хизматини кўрсатиб келмоқда. Бугунги кунда фуқароларнинг ушбу тизим орқали пул жўнатиш ёки қабул қилиш амалиётини «Ипотекабанк» шохобчалари ёрдамида амалга оширишга қизиқиш ошиб бораётгани қувонарлидир. Банк томонидан 18300 нафардан ортиқ мижозга банк шохобчалари томонидан хизмат кўрсатилгани, мижозларнинг хориждан юборилган 7,0 миллиондан ортиқ АҚШ доллари миқдоридаги маблағи қабул қилингани, шундан 1,0 миллион АҚШ доллари миқдоридаги жисмоний шахслар маблағлари юртимиздан чет элларга жўнатилгани бунга мисол бўла олади.

Маълумки, пластик карталар орқали амалиётлар ўтказиш жаҳонда кенг тарқалган банк хизмати турларидан бири. Бугунги кунда Ипотекабанк ҳам миллий валютадаги пластик карталарини муомалага киритишни кенгайтирмоқда. Пластик карталарнинг аҳоли орасида оммалашувини таъминлаш, улардан фойдаланиш кўламини кенгайтириш доимий эътиборда. «Ипотекабанк» шу асосда иш юритиб, нақд пулсиз шаклда кўрсатиладиган хизматлар турларини кўпайтириб, такомиллаштириб бормоқда. Бу пластик карточкалар бозорида банкнинг юқори ўринларга чиқишини таъминламоқда. Банкнинг миллий валютада чиқарган карточкалар сони 2007 йил 1 апрель ҳолатига кўра қарийб 410 мингтага етгани бунинг тасдиғидир. Бу «Ипотекабанк»ни республикамизда пластик карточка бизнесини ривожлантириш, пластик карточкаларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмани такомиллаштиришга катта маблағ сарфлаётган банкларнинг бирига айлантирди. Бугунги кунда чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларига кирувчи корхоналарда банкнинг жами 1700 та терминаллари ўрнатилган. Булар, асосан, турғун савдо нуқталари, дорихоналар, уяли алоқа компаниялари, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари бўлиб, уларда бажарилган нақд пулсиз амалиётлар ҳажми жорий йилнинг биринчи чораги якунида 25,6 миллиард сўмни ташкил этди.

«Ипотекабанк» ўз мижозлари бўлмиш йирик корхона ва ташкилотларда иш ҳақини пластик карточкалари орқали бериш бўйича янги лойиҳаларни жорий қилишда ҳам дадил қадамларни қўйди. Ана шу лойиҳаларга йил бошидан буён 200га яқин янги корхона қўшилиб, ҳозирда уларнинг жами сони 1500 тадан ортди.

Айни пайтда «Ипотекабанк» жамоаси кенг доирадаги барча мижозларига замонавий банк хизматлари кўрсатиш йўлида фаол иш олиб бораётир. t

**Бобомурод РАЙИМОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

---

***Экологик хавфсизлик ва атроф-муҳит муҳофазаси аллақачон инсоният келажагини белгилайдиган омил тусини олди.***

***Инсоният бугун бу масалага ҳаёт-мамот, деб қарамоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам табиат муҳофазасига ҳукумат миқёсида эътибор берилаётир. Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни бунга мисол бўла олади. Мазкур қонунда табиий муҳит мусаффолиги, атроф-муҳитнинг зарарли таъсирлардан муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган.***

*Onajjonim, tabiat!*

# Мусаффо дунё учун



Мазкур масалалар бўйича Бухоро вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида ҳам изчил фаолият олиб борилаяпти. Вилоятда атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича 2006-2010 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди.

Маълумки, тоза ичимлик суви йил сайин танқис бўлиб бормоқда. Дастурда вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш ҳам ўз ифодасини топган. Шу мақсадда Дамхўжа сув қувурининг иккинчи навбати қурилишига Республика бюджетидан маблағ сарфланаётганлиги ҳам бежиз эмас.

Фуқароларнинг сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга оид ҳуқуқлари **«Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»**ги Қонунда ўз аксини топган.

1996 йил 27 декабрда қабул қилинган **«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги Қонунда эса атмосфера давлат томонидан муҳофаза этилиши белгилаб берилди. Қонун талаблари ва дастур асосида вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вилоят Ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хафсизлиги бошқармаси ҳамда Соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ҳамкорликда икки босқичда «Тоза ҳаво» тадбирларини ўтказиб келмоқда.

Тадбир жараёнида трнспорт воситаларини газ, дизел ёқилғисига ўтказишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Маълумки, ерга оид қонун ҳужжатларида ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатларини кўзлаб, ундан оқилона фойдаланиш, муҳофаза қилиш, тупроқ унумдорлигини тиклаш, мелиоратив ҳолатини яхшилаш, табиий муҳитни асраб-авайлаш эътироф этилган. Шу мақсадларда қисқа муддат ичида ерларни оборотга (фойдаланиш) киритиш учун 53.338 минг сўм сарфланди, 213,3 гектар ер ўз ҳолатига келтирилди. Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва сув манбаларини ифлослантиришдан сақлаш учун 367 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланганлиги тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилганлигидан далолат беради.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳаракат Дастурига асосан вилоят ҳудудида «Яшил белбоғ» тадбири ўтказилмоқда. Мазкур тадбир давомида 34.242 гектар ер майдони бўйлаб «Яшил белбоғ» барпо этилганлиги фикримизнинг исботидир.

Бухоро шаҳри — меъморий мажмуалар, мадрасаю мақбаралар, масжидлар, неча-неча асрлар билан тенгдош, ноёб тарихий ёдгорликлар маскани. Беназир архитектура иншоотларига озор етказмаслик, ер ости сувларини пасайтириш ва тарихий, қадимий обидаларга таъсирини камайтириш мақсадида фақат ўтган йилнинг ўзида 60 та тик қудуқ ва 45 та кузатув-назорат қудуқларида иш олиб борилди. 11230 куб метр ер ости сизот сувлари шаҳар ташқарисига чиқариб ташланди. Ер ости тик қудуқларини ишлатишда 36 миллион сўм, қудуқ мосламаларини таъмирлаш учун 41,5 миллион сўм сарфланди.

Сир эмас, бугунги кунда саноат корхоналари чиқиндилари атроф-муҳитга таҳдид солиб, инсон саломатлиги ва табиат кўрку тароватига путур етказмоқда.

Айтиш жоизки, чиқинди ҳосил бўлишини меъёрлаштириш, ташиш ва зарарсизлантириш жараёнларини тартибга солиш бўйича янгича ёндашувлар кўзга ташланмоқда.

Характерли томони, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, гидрометерология маркази билан ҳамкорликда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш мониторингини олиб бораяпти. Қисқа муддат ичида атроф-муҳитга чиқинди чиқарувчи, оқизилаётган манбалар назорат қилиниб, 451 та тупроқ, сув, чанг, газ намуналари олиниб, 2191 та кимёвий таҳлиллар ўтказилди. Таҳлил натижалари корхоналарда муҳокама қилиниб, атроф-муҳитни ифлослантирмаслик чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Дарҳақиқат, экологик жиҳатдан мусаффо ҳаётий муҳит яратиш, одамлар қалбида она табиатга меҳр уйғотиш табиат ва жамият уйғунлигини асрлар давомида шаклланиб келган қадриятлар асосида мустаҳкамлаш долзарб вазифа бўлиб қолаверади. Бу ҳаётий ҳақиқатни унутишга ҳаққимиз йўқ. Зеро, ўтмиш сизу бизга қолдирган яшил оламдан келажак авлод ҳам баҳраманд бўлсин.



**Валижон ЮСУПОВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**


# «АСАКА» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ



## 27 июнь —

*Матбуот ва Оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан мамлакатимиздаги барча журналистларни, матбаа ва нашриётлар ходимларини самимий муборакбод этади!*



*Сиз азизларни касб байрамингиз билан қутлар эканмиз, машаққатли, айни дамда шарафли ишларингизда муваффақият тилаймиз.*

